

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСМОИЛОВ БОБУР МИРЗО ИЛХОМ ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of doctoral dissertation

Исмоилов Бобур Мирзо Илхом ўғли

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
устидан прокурор назоратини такомиллаштириш чоралари.....3

Исмоилов Бобур Мирзо Илхом угли

Совершенствование прокурорского надзора за исполнением
законодательства в сфере противодействия коррупции.....27

Ismoilov Bobur Mirzo Ilkhom ugli

Improving the prosecutor's supervision over
the execution anti-corruption legislation.....49

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.01.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСМОИЛОВ БОБУР МИРЗО ИЛХОМ ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu255 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пулатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухташева Умида Абдиловна
юридик фанлар доктори, профессор

Абдурахмонхўжаев Жамолиддин Хусанхон ўғли
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14 апрель соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил 1 апрель куни тарқатилди.

(2021 йил 1 апрелдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Д.Миразов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Ф.Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Ф.Рахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва шу асосда жаҳон иқтисодиётини юксалтиришда прокуратура органларининг амалдаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти муҳим роль ўйнамоқда. БМТ Бош қотиби Антониу Гуттеришнинг 2019 йил «COVID-19 шароитида коррупция масалалари»га бағишланган нутқларида «дунё бўйича берилган пораларнинг умумий ҳажми 1 трлн. АҚШ долларига, коррупция натижасида ўғирланган маблағлар миқдори – 2,6 трлн. долларга етади ва коррупцияни ривожланиш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири»¹ эканлигини алоҳида таъкидлаган. Бунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш воситалари орқали коррупцияга қарши курашиш, хусусан, прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик устидан назорат самарадорлигини оширишга оид илмий тадқиқотларни бажаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, прокурор назорати институтини ривожлантириш, прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартларни ўрганиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ролини ошириш, унинг методикаси ва тактикасини такомиллаштириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикада қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурорлар назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, “ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизимни шакллантириш, прокуратура қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур”лигини² таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бироқ коррупцияга қарши кураш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг етарлича самарадорлигини кўрсатмаётир ва унга стратегик тус берган ҳолда мамлакатда коррупция даражасига таъсир бўйича кутилаётган натижаларни аниқ белгилаган ҳолда коррупцияга қарши кураш сиёсатини тизимлаштириш талаб этилади³.

¹ <https://www.un.org/en/coronavirus/statement-corruption-context-covid-19>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// 25.12.2017. https://www.norma.uz/uz/muhim_voqealar/uzbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi

³ Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР 2019. – С.9

Бу эса юридик фан олдига прокурор назорати муаммоларини илмий таҳлил қилиш, унинг илмий ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сон «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда ушбу мавзуга оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур тадқиқот мавзусининг айрим жиҳатлари ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Б.Д.Ахроров, Р.А. Зуфаров, З.С. Ибрагимов, Б.И. Исмоилов, Г.М. Мамараимова, А.Д. Матмуротов, М. Махбубов, И.Т. Махмудов, Д. Миразов, О.Х. Нарзуллаев, Н.А. Нугманов, Д.Д. Нурумов, Б.Х. Пулатов, Ж.Х. Абдурахмонхужаев, В.Х. Давлятов, А.Б. Комилов, Д.Ю. Хабибуллаев ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ҳамда тадбиркорларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясининг айрим ўзига хос хусусиятлари С.Н. Алексеев, Ф.Н. Багаутдинова, И.А. Иманов, Н.В. Ласкина, И.Т. Махмудов, А.С. Семенов, Е.Г. Князева, О.С. Капинус, О.Н. Коршунова, Н.В. Кулик, Д.М. Плугарь ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Н. Абъеренсен (Австралия), Й. Дандуранд (Канада), Э. Луна, С. Роуз-Акерман (АҚШ) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган⁴.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари шу вақтга қадар алоҳида тадқиқ этилмаган, мустақил монографик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни ижро этиш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари” доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратинининг ўрни ҳамда аҳамиятини ёритиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институти шаклланишини ёритиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ халқаро стандартлар талабларини очиб бериш, шунингдек прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий амалиётни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий йўналишларининг шаклланишини ёритиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратинининг методикаси ва тактикасини таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш асосида ушбу соҳани такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш

⁴ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган илмий-назарий ёндашувлар, қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтини мустаҳкамлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати йўналишлари, назоратни амалга ошириш механизмлари, назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатларини қонунчиликда белгилаш таклифи асослантилган;

БМТ (UN), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Жаҳон банки (WB), Transparency International (TI) каби халқаро ташкилотлар тавсияларидан келиб чиқиб, коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш, идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини, жумладан, хусусий секторда коррупцияга қарши комплаенс (anti-corruption compliance control), давлат секторида эса идоравий ҳалолликни (public integrity system) кучайтириш, мансабдор шахслар дискрециявий ваколатларини (discretionary powers) қисқартириш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришда мазкур назоратнинг шакллари, усуллари ва услубиётининг ўрни ва ролини белгилаш муҳимлиги асослантирилиб, қонунчиликка “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат” номли янги боб киритиш таклиф этилган;

коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага туширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертиза қилиш, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий мақомини белгилаш асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ва объектига оид тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти ёритилган ҳамда илмий-доктринал тавсиф берилган;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадлари ва вазифалари, шунингдек унинг ҳуқуқий асослари ёритилган, ушбу жараёни ташкил этиш, прокурор ваколатлари,

прокурор назоратнинг шакллари, муддатлари, усул ва услубиётини ташкил этувчи механизмларини такомиллаштириш каби таклифлар асослантилган;

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш, прокурор назоратининг шакллари, усуллари ва услубиётига доир нормаларни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” деб номланган янги бобида назарда тутиш таклифи ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида прокурор назоратининг асосий мақсади, коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни аниқлаш тактика ва методикаси, бу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш йўллари ҳамда ушбу йўналишда прокуратура ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги янги соҳавий буйруғининг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир бобида берилган хулосалар, шунингдек диссертация иши хулосасида акс этган умумназарий ечимлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этишга оид мавжуд илмий-назарий қарашларга, ҳуқуқий база нуқтаи назаридан эса – халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланади. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий ҳулоса ва таклифлардан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишда, шунингдек Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети ва юридик факультетлар талабалари учун турли хил илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, олий ўқув юртлари ва юридик техникумларда «Коррупцияга қарши кураш», «Прокурор назорати» ва «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари» модуллари бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ҳисоб палатаси томонидан назорат ўтказиш даврида жиноят аломатларига ишора қилувчи маълумотлар, шу жумладан коррупцияга доир ҳуқуқбузарликлар аломатлари аниқланган тақдирда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги 2019 йил 1 июлдаги ЎРҚ-546-сон Қонуни 30-моддасининг ўн бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 14 январдаги 121-сонли маълумотномаси*). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйилишини таъминлаш, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини яратди;

хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолайиқ бошқа нојўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувлари ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Қонунининг 46-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 14 январдаги 122-сонли маълумотномаси*). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали коррупцияга қарши курашиш самарасини оширишга хизмат қилди;

коррупцияга энг кўп мойил бўлган соҳаларни аниқлаш, хизмат вазифаларини бажаришда ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини лозим даражада тартибга солиш, шунингдек ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, барча даражадаги давлат органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш зарурати тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг 20-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 29 августдаги 30/8-20-672-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги коррупцияга энг кўп мойил бўлган соҳаларни аниқлаш ва идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш орқали коррупцияга қарши курашиш самарасини оширишга хизмат қилди;

«Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида»ги, «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6013-сон Фармонининг 11-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 29 августдаги 30/8-20-673-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартибининг ишлаб чиқилишига кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 11 та илмий мақола, хорижий журналларда 3 та мақола, республика конференцияларида 5 та тезис, 1 та монография ҳамда 4 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида (докторлик диссертациясининг аннотацияси) тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг**

шаклланиши” деб номланган биринчи бобида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва аҳамияти, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг ривожланиши, прокуратура томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар талаблари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати – бу прокуратура органлари томонидан Конституция ва қонунларга асосланиб, давлат номидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, кузатиш, бузилган қонунни тиклаш йўли билан содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тезкор жавоб бериш, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш каби шаклларида амалга ошириладиган махсус фаолият. Диссертацияда нафақат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг илмий-назарий асослари, балки прокурор назоратининг предмети ва объектига оид ва уларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларига тегишли бир қатор илмий тушунча ва категорияларнинг мазмуни очиқ берилган.

Мазкур илмий ишда муаллиф томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, предмети, объекти, мақсади, вазифалари, йўналишлари бўйича турли назарий ёндашувлар мавжудлиги кўрсатилди. Муаллиф томонидан тадқиқ этилаётган соҳанинг объекти бўлиб давлатнинг барча қонунчилик ҳужжатларининг бир хил ва ягона ижроси ҳисобланиши ҳақидаги олимларнинг (Кеник А.А., Шостак М.А.), шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти прокуратура назорати остидаги органлар ва ташкилотлар қайд этилиши ҳақидаги олимларнинг (Коновалов В.А., Козлов Т.Л., Давыденко Л.М.) ёндашувлари тадқиқ этилган.

Шунингдек, диссертант томонидан прокурор назоратининг вазифа ва шакллари аниқ белгилаш масаласига нисбатан ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари таҳлил этилган ҳамда улар билан илмий баҳс-мунозарага киришган, диссертант “прокурор назоратининг вазифалари” тушунчаси ҳақидаги ўз фикрларини билдирган ҳуқуқшунос олимларнинг (П.П.Егорова, М.А.Фастова) мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган.

Муаллиф илмий тадқиқот ишида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати шакллари аниқ ажратган ҳолда, уларни қуйидаги тартибда баён этган: коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бузилган қонунни тиклаш йўли билан содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тезкор жавоб бериш, кузатув, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва уларни «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳага оид буйруқларида бевосита мустаҳкамлаш зарур.

Тадқиқот ишида прокурор назоратининг соҳаларига оид олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил этилган бўлиб, муаллиф коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти, предмети, мақсади ва вазифаларини таҳлил этган ҳолда прокурор назоратининг янги соҳаси – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати вужудга келиши тўғрисидаги хулосага келган. Шу боис, муаллифнинг ёндашувига кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокурор назоратининг асосий йўналишларидан бири сифатида акс этиши зарур. Муаллиф мазкур амалиёт Россия Федерацияси ва Қозоғистон қонунчилигида фойдаланилиши билан асослашга ҳаракат қилган.

Тадқиқот иши давомида муаллиф томонидан миллий олимларнинг (Махбубов М., Решетникова Т.А., Пулатов Б.Х., Ибрагимов З.) илмий ишлари таҳлили асосида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг шаклланиши ва ривожланишининг алоҳида жиҳатлари тадқиқ этилган, бироқ улар “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни прокурор назоратининг умумий масалаларини тартибга солган вақтга тааллуқли. Юридик адабиётлар таҳлили асосида муаллиф Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институти ўз ривожланишида назарий жиҳатдан шартли уч босқични босиб ўтган.

Диссертацияда қайд этилишича, республикада коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибий тузилишида Қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бош бошқармасининг ташкил этилиши муҳим қадам бўлган. Бироқ муаллифнинг кўрсатишича, гарчи Ўзбекистон прокуратураси тизимида бош бошқарма ташкил этилган бўлса-да, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширувчи махсус бошқарма мавжуд бўлмаган, бу эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан комплекс назорат ўтказишни қийинлаштирган.

Илмий ишда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда «коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати» атамасини ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарурати исботланган, чунки “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Бундан ташқари, муаллифнинг таъкидлашича, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда ушбу соҳадаги назоратнинг предмети, шакли, прокурорнинг ваколатлари ва бошқа муҳим жиҳатларини кўрсатиш зарур.

Диссертацияда муаллиф зиммасига коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш вазифаси юклатилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши қўшимча институционал тузилма ҳисобланишини қайд этади. Унинг таъкидлашича, Агентлик ўз фаолиятида прокуратуранинг ушбу соҳадаги функциясини амалга ошира олмайди, чунки биринчидан, прокуратура органларининг мақоми Конституция ва қонунларда белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси фақат уларга берилган; иккинчидан, Агентликнинг ҳуқуқий мақоми Конституция ва қонунларда белгиланмаган, шунингдек Агентликка берилган функция ва вазифалар унинг мақомига тўғри келмайди, чунки Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланмайди ва унга тегишли функцияларнинг аксарияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифа ва функцияларига тегишлидир; учинчидан, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 36-моддасида ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари билан коррупцияга қарши курашадиган ихтисослашган махсус орган ёки органларнинг мавжуд бўлишини таъминлаши тавсия этилган. Бундан ташқари, муаллифнинг назарида Агентликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура билан айнан қандай шаклда ҳамкорлик қилишини кўрсатиш зарур, чунки Агентлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатлари билан такрорлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизиялар келтириб чиқаради.

Диссертант ўз илмий ишида коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартларни таҳлил этиб, прокуратуранинг коррупцияга қарши курашни амалга ошириш соҳасидаги стандартлар қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг қуйидаги мезонларини ажратиб кўрсатишга имкон беради: прокуратуранинг мустақиллиги кафолатларини таъминлаш даражаси; прокуратурада хизмат ўташнинг бошланиши; прокуратуранинг фаолиятига бошқа давлат ва нодавлат субъектлар аралашувидан ҳимоя қилиш; прокуратура ходимларининг прокуратуранинг ички тизимидаги мустақиллиги, прокурорлар фаолиятининг ижтимоий ва бошқа кафолатларини таъминлаш даражаси.

Диссертациянинг иккинчи боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати асосий йўналишларининг ривожланиши” деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий йўналишлари шаклланиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг тактикаси ва методикаси, хорижий мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупцияга қарши курашишнинг алоҳида жиҳатларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқот иши давомида муаллиф томонидан ҳуқуқшунос олимлар орасида ҳуқуқ назариясида «прокурор назоратининг йўналишлари» тушунчаси ҳақида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги аниқланган. Прокурор

назоратининг асосий йўналишлари унинг функцияси эканлиги ҳақидаги олимларнинг (Пулатов Б.Х, Мадалиев О.М., Воронина С.А., Кириллова Н.П.) фикри, шунингдек прокуратуранинг функцияси ва прокуратуранинг асосий фаолият йўналишлари бир-биридан фарқланиши ҳақидаги олимларнинг фикрлари (Рябцев В.П, Винеград А.) ҳамда прокурор нazorатининг йўналишлари тушунчасининг ўзига хос айрим жиҳатлари ҳақидаги олимларнинг (Бессарабов В.Г.) фикрларига кўра, уч гуруҳга ажратилган ва таҳлил этилган. Муаллиф биринчи гуруҳдаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда нazorат функциялари ва прокуратура органлари фаолиятининг бошқа йўналишлари мустақил элемент ва уларнинг мажмуи прокуратура органларининг фаолият йўналишларини ташкил этади деган хулосага келган. Шу билан бирга, диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик устидан нazorат бўйича ваколатлар юклатилган вақтдан бошлаб ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келган бўлиб, «Прокуратура тўғрисида»ги ва «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларда ушбу соҳада қонунчилик устидан нazorат йўналишлари, нazorатнинг амалга ошириш механизмлари, нazorатни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари ва бошқа муҳим жиҳатларни қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш, шунингдек бугунги кунда ушбу соҳадаги қонунчилик устидан прокурор нazorатининг ҳар бир йўналишларини фарқлаш зарурати мавжуд.

Муаллиф прокурор нazorати назариясида нazorат тадбирларини самарали амалга оширишнинг асосий омили тўғри тактика ва методикани танлаш ҳисобланиши ҳақидаги хулосага келган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан текшириш коррупцияга мойил бўлган соҳалар ва лавозимларни аниқламасдан туриб мумкин бўлмаслиги сабабли, муаллиф прокурор нazorати тактикасининг бошланғич элементи этиб халқаро стандартлар талабларини ўрганиш, коррупцияга мойил бўлган аниқ соҳалар ва лавозимларни аниқлаш зарурлигини илгари сурган. Шу боис, прокурор фаолияти мураккаб таркибий хусусиятга эгаллиги сабабли муаллиф томонидан прокурор томонидан текшириш фаолиятининг қуйидаги босқичларини ажратиш таклиф этилган: текшириш ўтказишга тайёргарлик; ўтказиш предмети, объекти, вақти, жойи, иштирокчилар доирасини аниқлаш, режа тузиш; текшириш тадбирларини ўтказиш; олинган маълумотларни баҳолаш ва прокурор таъсир чораларини (шу жумладан ҳужжатларини) танлаш.

Ишда муаллиф томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси соҳасидаги прокурор нazorати методикаси деганда қонунбузилишларни ва уни келтириб чиқарувчи ҳолатларни, ҳуқуқбузарлик содир этган ва уларга кўмаклашган шахсларни аниқлаш, келажакда қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш, айбдорларни

жавобгарликка тортиш ва етказилган зарарни қоплашни белгилаш мақсадида прокурор томонидан қўлланиладиган услуб ва усуллар йиғиндиси тушунилиши лозимлигини таклиф этган. Муаллиф Бош прокурорнинг тегишли буйруғида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ижросини прокурор текширувини ўтказишда коррупцион элементларни аниқлашга қаратилган аниқ масалаларни белгилаш зарурлигини таклиф этган.

Тадқиқот ишида назорат ва мониторинг тушунчалари солиштирилган. Муаллиф томонидан таъкидланишича, назорат мониторингга нисбатан кўпроқ даражада бошқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи таъсирдир. Назорат давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг расмий текширувлари, шунингдек маълум бир маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни назарда тутати. Муаллиф таъкидлашича, ҳуқуқий мониторинг назорат билан ўзаро боғлиқдир ва назорат фаолиятининг тури ҳисобланади. Диссертацияда муаллиф “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда “мониторинг” тушунчаси акс эттирилмаганига қарамай, Қонунда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун муҳофазасида бўлган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси каби прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган мониторингни тавсифловчи прокуратура органлари фаолиятининг мақсадлари белгиланганлиги тўғрисида хулосага келади.

Хорижий прокуратура органлари фаолиятини ўрганиш асосида муаллиф иккита асосий моделлар тўғрисидаги илмий ва назарий қарашларни таҳлил қилади ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритади: биринчидан, прокуратура органлари, аввало, “жиноий таъкиб ва айблов” бўйича идора сифатида ва, иккинчидан, “қонунлар ижроси устидан назорат” бўйича орган сифатида. Ишда, шунингдек Армения, Грузия, Молдова, Озарбайжонда прокуратура органларининг “умумий назорат” (яъни, қонунлар ижроси устидан назорат) функцияси мавжуд эмаслиги, қонунлар ижроси устидан назорат прокуратуранинг асосий функцияси бўлган мамлакатлар (Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон), уларнинг фарқлари ўзига хос жиҳатлари тўғрисида таъкидланган. Бундан ташқари, Қўшма Штатлар, Польша, Германия, Буюк Британияда айблов органи сифатида фаолият юритувчи ва қонунлар ижроси устидан назорати функциясини амалга оширмайдиган прокуратура органлари фаолиятининг хусусиятлари таҳлил қилинган, баъзи мамлакатларда эса прокуратура органлари мустақил тизимни ташкил этмайди, балки суд (Испания, Латвия ва бошқалар) ёки ижро (АҚШ, Эстония ва бошқалар) ҳокимиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотда иқтисодий ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Польша, Буюк Британия) тажрибаси ўрганилди ва прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат функциясини амалга оширмаслиги аниқланди. Таъкидланишича, ушбу мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш давлат ва нодавлат ташкилотлар (агентликлар, жамғармалар, марказлар ва ҳоказолар) ёрдамида амалга оширилади. Хусусан, амалиётда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш тизими йўлга қўйилганлиги эътироф этилган. Бироқ, муаллифнинг фикрига кўра, прокурор назоратига эҳтиёж мавжуд эмаслиги ушбу мамлакатларда амал қилувчи тарихий давлатчилик ҳамда ҳуқуқий тизим, аҳолининг қонунга бўлган ҳурмати, судларга нисбатан юксак ишонч билан боғлиқ.

Диссертацияда коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий мамлакатлар (Польша, Германия, Россия, Қозоғистон) тажрибасининг бир қатор ижобий жиҳатлари, аҳолининг прокуратура «қайноқ линия»ларига аноним мурожаат қилиш имкониятлари (Қозоғистон), коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи Бош прокурорнинг махсус буйруғи мавжудлиги (Россия), коррупцияга қарши курашиш соҳасида прокуратура ва нодавлат ноижорат ташкилотлар вакиллари ўртасида яқин ҳамкорлик мавжудлиги (Польша, Германия, Швеция, Швейцария) таҳлил қилинган ва, шундай қилиб, мамлакатимизда прокурор назорати амалиётида хорижий мамлакатлар прокуратура органларининг илғор тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш»** деб номланган, унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати комплекс равишда соҳавий бошқарма томонидан амалга оширилмаслиги таъкидланган. Назорат ўтказишнинг ҳуқуқий базаси бўлиб «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси асосида текширувлар ўтказилиши хизмат қилган. Бироқ, муаллифнинг фикрича, мазкур текширувларнинг ўтказилиши вақтинчалик ижобий эффект беради ва келгусида ушбу соҳадаги назоратнинг доимий асосда ўтказиш зарур. Бундан ташқари, ривожланишнинг ҳозирги босқичида, муаллифнинг фикрига кўра, прокурорлар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиши зарур. Шунингдек, муаллиф таъкидлаганидек, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси

текширувларини ўтказишда прокурорлар, аввало, давлат органлари ва давлат улуши устун бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари томонидан қонунга ҳилоф тарзда фойда олишдан иборат бўлган коррупциянинг моҳиятидан келиб чиқиши керак.

Диссертант таъкидлашича, собиқ Иттифоқ мамлакатларига нисбатан шуни айтиб ўтиш керакки, прокурор назорати ҳуқуқнинг мустақил соҳаси ҳисобланиши тўғрисидаги мунозаралар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб кўтарилган, бироқ яқдил фикрга олимлар ҳозиргача келишмаган.

Шу билан бирга, муаллиф қайд этишича, кўп олимлар прокурор назорати ҳуқуқ фанининг мустақил соҳаси ҳисобланиши тўғрисидаги мулоҳазаларга қўшилади. Совет ҳуқуқий мактабининг кўп “прокуроршунос” олимлари (С.С. Алексеев, С.Г. Березовская, В.Н. Тадевосян, А.Ф. Шебанов ва бошқалар) прокурор назоратининг ҳуқуқий фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаш борасида тизимли равишда баҳсга киришишган. Хусусан, совет ҳуқуқ мактабининг классик вакиллари (С.С. Алексеев, И.В. Павлов, М.Д. Шаргородский, А.Ф. Шебанов, Л.С. Явич, М.С. Строгович) ва бошқалар прокурор назоратини ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида тан олиш ғоясини рад этишган. Айрим олимлар (Е.Р. Ергашев, А.А. Данилевич, В.Ю. Шобухин) бугунги кунга келиб ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси – прокурор назорати ҳуқуқи шаклланишини қайд этишган. Хусусан, Е.Р. Ергашев «Прокурор назорат-ҳимоя ҳуқуқи», А.А. Данилевич «Прокурор назорати ҳуқуқи», В.Ю.Шобухин «Прокурор ҳуқуқи» терминларини қўллашган. Муаллиф Ўзбекистонга нисбатан қонунчиликка аниқ ва қатъий тарзда риоя қилиниши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган, ҳуқуқнинг мустақил соҳасини ташкил этувчи ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати фаолиятининг объекти, предмети ва соҳасини тартибга солувчи нормалардан иборат бўлган давлат назорати умумий тизимининг элементини англатувчи «Прокурор назорати ҳуқуқи» терминини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини «Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари» деб номланган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида асосий йўналиш сифатида белгиланишига оид таклифлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги алоҳида соҳавий буйруғи лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги асосий мақсадлари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари, прокурор назорати тадбирларини ўтказишда аҳамият бериш лозим бўлган муҳим масалаларни белгилаб беришга оид таклифлар асосланган.

Диссертант Бош прокуратура бошқармалари ва бўлимлари, илмий ва ўқув муассасалари фаолиятини ташкил этишнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тўғрисидаги Регламентда белгилаб қўйилганлигига эътибор қаратади, Регламент Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Бош прокуратура фаолиятининг ички ташкилий, шу жумладан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати соҳасидаги тартибини белгилайди. Бирок қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни Регламентда акс этмаган. Шундан келиб чиқиб, муаллиф томонидан ушбу соҳадаги назорат айнан қандай шаклларда амалга оширилишини аниқлаштириш, шунингдек ИХРТнинг 4-раунд натижасидаги тавсияларини бажариш мақсадида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунни «Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати шакллари» моддаси билан тўлдириш хулоса қилинган.

Диссертацияда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича хорижий амалиёт, айниқса МДХ қатор мамлакатлари амалиёти таҳлил қилинган. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида муаллиф томонидан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг учинчи бўлимини «Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат» деб номланган ва ушбу соҳадаги назоратни ташкил этишни тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи бешинчи боб билан тўлдириш таклиф этилган.

Ишда Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат конституциявий орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилиши, шунингдек Бош прокуратуранинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тегишли бўлинмаларининг мустақиллигини таъминлаш масалалари билан боғлиқ айрим қийинчиликлар вужудга келиши мумкинлиги муносабати билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган институтни шакллантириш бўйича хорижий тажрибани (Қозғистон, Украина) қўллаш, айнан Ўзбекистон шароитида махсус антикоррупцион прокурорларнинг алоҳида мустақил хизматини ташкил этиш таклиф этилади.

Ишда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида келтирилган коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар рўйхати прокурор назорати предметида тегишли бўлган ҳужжатлар рўйхатидан кенглиги таҳлил қилинган. Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан ташқари унга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг

халқаро шартномалари киритилган. Шу билан бирга, муаллиф ижроси устидан прокурорлар назорат қилувчи коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини келтириш уларнинг сони кўплиги туфайли мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди.

Мазкур соҳадаги прокурор назоратининг предметини аниқлаштириш учун, муаллифнинг фикрига кўра, аниқ рўйхатни эмас, балки ҳуқуқий ҳужжатларни прокурор назорати предметига киритишда риоя қилиниши керак бўлган мезонларни белгилаш муҳим. Муаллиф томонидан уларни бешта мезон асосида бўлиш таклиф этилади: *биринчи*, ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасидаги коррупцияни олдини олишга қаратилган антикоррупцион нормалардан иборат қонунлар; *иккинчи*, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунлар; *учинчи*, коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун нормаларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари; *тўртинчи*, назорат остидаги органлар ва ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича қонун билан белгиланган мажбуриятни бажариш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; *бешинчи*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Диссертация ишида муаллиф коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат натижалари бўйича ягона ишончли статистик ҳисоб юритилмаслигини қайд этган, шундан келиб чиқиб, муаллиф коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат натижалари ва коррупцион йўналишдаги жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини тергов қилиш натижаларининг алоҳида статистик ҳисобини юритишни таклиф этган.

ХУЛОСА

“Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Прокурор назоратига оид илмий-назарий хулосалар:

1. Илк маротаба «прокурор назорати ҳуқуқи», «прокурор назорати тактикаси», «прокурор назорати методикаси» каби илмий тушунча ва категориялар илмий муомалага киритилди ҳамда ушбу тушунчаларга тегишли таърифлар берилди.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига таъриф берилди ҳамда унинг мазмун-моҳияти ёритилди, шунингдек ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети, объекти, шакллари, вазифаларининг илмий-назарий асослари таҳлил қилинди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси қуйидагича баён

